



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 11 ноябр, сешанба № 175 (1600)


СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АҚШ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРИ САМАРҚАНДА

Самарқандда Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман хоним раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги сиёсий-иқтисодий муносабатлар йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик икки томонлама фойдали асосда ривожланимоқда. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ганиев ҳамроҳлигида Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди, Регистон мажмуини томоша қилди. Самарқандга илк бор келишим, - деди Э.Венеман журналистлар билан суҳбатда. - Бу шаҳар менда унутилмас таассурот қолдирди. Ташрифдан асосий мақсадимиз эса мамлакатнинг билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қатор лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш имкониятларини ўрганишдан иборат.

(ЎзА)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 ноябр кун Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосий масалалари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонс ҳамда АҚШ давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчиси Лорн Крейнерни қабул қилди.

Ўзбекистон ўз олдида демократик жамият барпо этиш, халқ фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли даво этириш ва бо-

зор муносабатларини қатъий қарор топтириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби улкан вазифаларни қўйган. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон мана шу вазифаларни бажаришда АҚШ билан янада яқин ҳамкорлик қилиш истагида эканлигини айтди. Меҳмонлар самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, АҚШ томони Ўзбекистонда

(ЎзА)

вакиллари делегациялари тез-тез ташриф буюраётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Учрашуда Ислам Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама

равнақ топиб бораётганидан мамнуният изҳор этар экан, ушбу учрашув стратегик шериклик даражасига кўтарилган Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига оид долзарб масалаларни яна бир бор кўриб чиқиш учун яқин имконият яратганини таъкидлади.

Навбахор туманининг «Навбахор» фермерлар уюшмасида «Пахтабанк»ка қарали минибанк иш бошлади.

МИНИБАНКЛАР ҚИШЛОҚКА КИРИБ БОРМОҚДА

Мақсад тадбиркор ва фермерларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда уларга қўмақлаштиришдан иборатдир. Қисқа вақт ичида минибанкнинг миқозлари юз нафарга етди. Хатирчи туманидаги А.Икромов номидаги, «Учқора», Навойи туманидаги Алишер Навоий номидаги, Нурота туманидаги «Гозон», Қизилтепа туманидаги «Зармитан», Навбахор туманидаги «Янгиқўрғон» ширкат хўжалиқлари ҳамда фермерлар уюшмаларида ҳам ана шундай мини-банклар ишга тушди.

«ҚУСТРУБА»НИНГ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ

Тахтакўпри туманидаги «Қўструба» овулида қуёш нуридан қувват олиб ишлайдиган митти электр станция ишга туширилди. БМТнинг Тараққиёт дастури лойиҳаси асосида бунёд этилган ушбу қурилма овулдаги ўн беш хонадон ва мактабни ток билан таъминлайди. Қудуққа ўрнатилган электр насосга ҳам қувват берилади. Митти электр станциялари 30 йиллик иш қафолатиغا эга, - дейди лойиҳа мутахассиси Унгдасин Тўлебоев. - Энди Қораўзақ туманида ҳам ана шундай электр станцияларини ишга тушираимиз.

(ЎзА)

АМУ СОҲИЛИДА ЯНГИ БОЖХОНА МАЖМУИ

Амударёнинг ўнг соҳилида - «Термиз-Хайратон» кўприги олдида Марказий Осиёда энг йирик «Айритом» божхона мажмуи ишга туширилди.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги алоқалар ҳамisha ўзаро ҳурмат ва ишонч, яхши кўчирилиш ва ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиб келган. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг узқони кўзлаб юритаётган оқилона ташқи сиёсати муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Афғонистондаги тикланиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Дунёнинг турли мамлакатларидан афғон халқига ёрдам сифатида келаятган юклар асосан шу ердан ўтади.

Афғонистонда толиблар ҳукмронлиги тугатилиб, ўтиш ҳуқуқати тузилгач, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши кўчирилиш муносабатлари яна тикланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадаллашди. Икки давлат ўртасида йўл қурилиши, транспорт, ирригация, электр энергияси ва нефть маҳсулотлари таъминоти соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ўзбекистонлик бунёдкорлар Афғонистонда автомобил йўллари қурилишида фаол иштирок эт-

моқда. Йўлсозларимиз ҳозиргача тўққизта кўприкни қуриб битказди.

«Термиз-Хайратон» кўприги ва Термиз дарё порти орқали халқаро транзит юкларни ўтказишга ҳамда фуқаролар борди-келдисига руҳсат этилгани божхона ва чегара назоратини янада кучайтириши тақозо этади. Шу боис «Айритом» божхона мажмуи қисқа муддатда барпо этилди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси қўшма лойиҳаси асосида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Мазкур лойиҳанинг қиймати 2 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, у Норвегия, Финляндия ва АҚШ томонидан молиялаштирилган.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимов, Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чино иштирок этди.

(ЎзА)

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Чирчик шаҳридаги «Электркимёсаноат» акционерлик жамиятида тайёрланаётган сифатли маъданли ўғитларга хорижда ҳам талаб катта. Жумладан, Эрон Ислам Республикасига ўн беш минг тонна аммоний сульфат етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланган эди. Шу кунгача маъданли ўғит юкланган 140 вагон Эронга етиб борди.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билалйлик, уни ҳимоя қила олайлик

Каярдаки инсон омилига эътибор яхши йўлга қўйилган экан уша ерда яшаш ва меҳнат шaroитлари кўнгилдагидек бўлиб, иш унумдорлиги ошиб боради.

Таассуфлар бўлсинки, баъзи ташкилот, муассаса, корхона раҳбарларининг меҳнат қонуларини яхши билмаслиги оқибатида ишловчиларни гайриқонуний равишда ишдан бўшатили, молия интизомини бузиш ҳолатлари оқибатида уларни маҳкамалар эшигига сарсон-саргардон бўлишига олиб келмоқда. Жумладан, агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшма Навоий вилоят қўмитасига ўтган йили тушган 46 та, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнидаги 58 та ариза ва озғани мурожаатда меҳнаткашлар ўз ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақида шикоят қилганлар. Хайриятки, касабга уюшмаларининг астойдил ва қатъий савий-ҳаракати тўғрисида ариза-шикоятларнинг аксарияти тўла қаноатлантирилди. Масалан, «Навоийнон» заводи ишчиси Зулфия Турдиева шу корхонада 22 йил меҳнат қилган. Утган йилнинг март ойидан меҳнатга лаёқатсиз, деб топилди вақтинчалик нафақага чиқарилган. Бир йиллик таътилдан қайтган эса корхона маъмурияти уни ишга қабул қилмаган. Шундан сўнг ходимнинг аризаси касабга уюшма аралашуви билан судда кўриб чиқилиб, меҳнат қонуничилиги бузилган деб топилди, Зулфия Турдиева ўз вазифасига тикланди. Худди шу корхона ишчиси Шерзод Тошпўлатов эса ишлаб чиқаришда тан жароҳати олган, муайян вақт давола-

ўрганилганда Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ тўғрисида»ги қонунининг 58-моддаси талаблари бузилган ҳолда икки йилгача боласи тарбиясида бўлган оналарга бериладиган нафақалардан солиқ ушлаб қолганини аниқланди. Роҳат Пўлатов

ўртоғи вилоят ташкилотларидан берида раҳбарлиги чоғида автохалокатга учраб оламдан кўз юмган бўлса-да, унинг оиласига бир йўлга бериладиган нафақа пули тўланмай келаятганини баён қилган. Ариза ўрганиб чиқилган жабрланувчи оиласига суд орқали 1.200 минг сўм ундириб берилди.

Шикоятлардан қўринишча, ишлаб чиқаришда тан жароҳати олиб ногирон бўлиб қолганларга йиллик бир йўла тўланадиган тоvon пуллари ҳамда ойма-ой тўланадиган зарар миқдори ҳам айрим ҳолларда корхона, ташкилот раҳбарлари айби билан тўланмасдан қолмоқда. Жумладан, Қизилтепа туман «Афросиёб» ҳиссасдорлик жамиятининг ходими Мардон Ахроров ишлаб чиқаришда жароҳат олганига қарамай бир йўла тўланадиган бир йиллик нафақани, ойма-ой бериладиган зарар миқдорини ололмаган. Касабга уюшма аралашуви билан тегишли маблағ ундириб берилди. Худди шунингдек Қонимех туманидаги «Абай» ширкат хўжалигидан Қаландар Самандаров, «Навоийсувқурилиш» ҳиссасдорлик жамияти, Навоий туман «Нарпай» ширкат хўжалиги, Навоий номи, «Хатирчи» пахта тозалаш ҳиссасдорлик жамиятлари меҳнат ногиронлигига етказилган зарар ҳам қопланди.

Чори КОДИРОВ, Навоий вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшма қўмитаси ижтимоий ҳимоя бўлими мудири, Яғшоғ САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ТЕРРОРЧИЛАР ҲАДДИДАН ОШМОҚДА

Ироқ террорчилари тобора ҳаддидан ошмоқдалар. Яқинда улар Бағдод шимолида жойлашган Фаллуж шаҳрида «Стрела» ракетаеси билан ичида 36 ҳарбий бўлган «Чинук» транспорт вертолётини уриб таширган эдилар. Натигада 16 киши ҳалок бўлди. Кейин Абу-Ғарб қўرғончасида борозда сабзавот ва мевалар сотиб олаётган уч нафар ҳарбий қўл гранатаси портлаши оқибатида дунёдан кўз юмди.

Аммо АҚШнинг ҳарбий саркардалари террорчиларга қарши кураш олиб боришни давом эттириш ниятидан қайтмасликларини айтмоқдалар. АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд «Уруш қурбониси бўлмади. Барибир биз галаба қиламиз» деди.

ИЛЛАТЛАР АВЖ ОЛМОҚДА

Белград шаҳрида касабга уюшмаларининг енг қаровли намойиши бўлиб ўтди. Бутун Сербиядан келган вакиллар иштирок этган митингга касабга уюшмалари аъзолари ҳуқуқнинг истеъфога чиқишини талаб қилдилар. Уларнинг наздида ҳозирги ҳуқуқат мамлакатни тобора чўзилиб бораётган инқироздан олиб чиқиш кетомлаётган, ишлаб чиқаришни хусусийлаштиришга доир ислохотлар самарали натижа бермаётган, боз устига коррупция каби иллатлар авж олмақда. Сербия полициячилари намойишчиларга қарши чиқиб, уларни тарқатиб юборишга ҳаракат қилди.

«ТУНГУС ЛОЙИҲАСИ» ДЕБ АТАЛДИ

Бир гуруҳ канадалик киноҳужжатчилар Эвенкияга келдилар. Улар «Тунгус

МЕЪМОРИ ЭЙФЕЛЬ ЭКАН

Молдова билан Руминияни туташтириб турадиган темир йўл кўпригининг меъморни ҳам франциялик Александр Эйфель эканлиги маълум бўлди. Прут дарёсидан ўтадиган иншоот Унген шаҳри ёнида бирлашади. Маълум бўлишича, Париждаги Эйфель минорасидан ўттиз йил аввал муҳандис юқорида айтилган кўприкни ишга туширишга муваффақ бўлган. Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам кўприк омон қолган. У шунчалки мустаҳкам қурилган эдики, бирон марта ҳам жиддий таъмирга муҳтожлик сезилмаган.

СОВҒАГА БИР ҚОП САБЗИ

Перуда ҳар йили ғаройиб пойга уюштирилади. Унда фақат эшаклар иштирок этади. Яқинда ана шу тадбирнинг навабдагиси ўтказилди. У Инденденсия шаҳрининг таваллуд кунига бағишланди. Пойга катнашчилари ўз эшакларини обдон ясашиб келдилар. Чопиш охирида «Яшин» лақабли эшакнинг ютиб чиққанлиги маълум бўлди. «Яшин»га бир қоп сабзи, эгасига эса пул мукофоти берилди, деб хабар қилди «Вести-РУ» ахборотномаси.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

ИШЧИ АРИЗАСИ ЎРГАНИЛГАНДА...

аралашувидан сўнг ходимнинг ҳуқуқи тикланиб қонуниёсиз буйруқ бекор қилинди. Афсуски, мазкур корхонадаги консулликлар фақат шулар билан таъминланган. Утган йилнинг декабрида «Навоийнон» ҳиссасдорлик жамиятида ишловчи 25 нафар ишчига жамоа шартномасига киритилган уста-ма пулдан кўп тўланган, деган баҳона билан 6 минг сўмдан мажбурий ушлаб қолганини тўғрисидаги ариза таъминланган ҳақиқатдан ҳам корхонада молия интизими бузилаётгани маълум бўлди. Корхона маъмуриятига консулликка дарҳол барҳам бериш ҳақида вилоят касабга уюшма қўмитаси хати юборилган бўлса-да, турли баҳоналар билан ҳамон ижроси пайсалга солинапти. Молия интизими талабларининг қўпол равишда бузилиш ҳолатлари «Навоийнон» мажмуидаги корхона эса ишлаб чиқаришда тан жароҳати олган, муайян вақт давола-

ва бошқа оналарга ноконуний ушлаб қолган пуллар қайтарилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги қоида меъёрлари талабларини изчил бажариш соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroити яратишнинг муҳим шартидир. Шунга қарамадан ўтган йили вилоятда ишлаб чиқаришда 9 мартта бахтсиз ҳодиса қайд этилиб, шундан 5 киши ўлим билан тугади. Бу йил ҳам Тазилтепа пахта тозалаш ҳиссасдорлик жамиятида шундай бахтсиз ҳодиса кузатилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарорига асосан шу каби ҳодисалар бўлганда ишчи ва унинг оиласи ижтимоий-иқтисодий ҳимояланиши лозим. Касабга уюшма вилоят қўмитасига шу йил давомида бир йўла тўланадиган тоvon пулларини ундириб бериш ҳақида 10 дан ортққ ариза-шикоятлар тушганига ҳам кўп нарсани ойдинлаштириб турибди, Фуқаро Гулнора Нарзиева турмуш

Ислом КАРИМОВ:

Ислохотларнинг мазмуни айти ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъдодини намоён этишига, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётда барча ўзгаришлар айти мана шу олий мақсадга эришишга - ҳар бир кишининг ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий жиҳатдан буюроқ қилишга бўйсундирилган.

24 километрни янги сув тармоғи тортиб келинмоқда.

Туманда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

Бозор иқтисоди бизни ҳар бир сўми жойига сарфлашни ўргатмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда эътиборимизни энг муҳим объектлар қилишига қаратмоқдамиз. Назаримда сўнги йилларда қўриб қўйилган ишларнинг асосий қисми қўриқчиларнинг тўлиқ қўриқчилиги бўлиб турибди. Энг муҳими, қанчадан-қанча ишларимиз узоққа бормай, шу ернинг ўзида қўриқчилар тусанга қасб-хунарни эгаллаш имкониятига эга бўлдилар. Жуда қўриқиб маҳалларда гузаролар бунёд этилмоқда, катта ҳажмида ободончилик, қўриқчиларнинг ишлари амалга оширилмоқда. Ҳар бир кўча, кўп қаватли уй муайян ҳолий ташкилот ёки корхонага бириктирилган ва улар туман кенгашининг депутати дўстий назоратида.

«Наврўз» фуқаролар йиғини қўриқчида болалар спорт мажмуи қўриқиб, фойдаланишга топширилган туман ҳаётида катта воқеа бўлди, десам муболага эмас. Бу ерда футбол, кўп тўли, волейбол, баскетбол майдонлари, сузиш ҳавзаси, теннис корти, югуриш йўлакчалари барпо этилди. Бугунги кунда мажмуида 12 та спорт тури бўйича секциялар ишлаб турибди.

Дўстлик шаҳрида «Бахт уйи», мажсу «Келин-куёвлар дўқони» фа-

Дўстлик — вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий салохиятга эга бўлган туманлардан ҳисобланади. Унинг қарийб ўттиз уч йиллик тарихида ўзига ҳос тараккиёт йўлини босиб ўтди. Бу йўл кўрик ерларни ўзлаштириб, кишлоқ ҳўжалик айланма-сизга киритиш, ҳўжаликлар барпо этиш, сўғирчи тизимларини вужудга келтириш, замонавий саноат корхоналари ташкил этиш, халқ таълими, маданият, савдо ва тиббиёт, маиший хизматни юксалтириш, ободончилик, уй-жойларни кўпайтириш, одамлар учун муносиб яшаш ва ишлаш шароитлари яратиш бериш йўли бўлди. Туманда 1989 та фермер ҳўжалиги, 6 та саноат корхонаси, 2 та транспорт корхонаси, ичимлик суви, электр қуввати, табиий газ таъминоти корхоналари, туманлараро нефт маҳсулотлари ҳамда минерал ўғитлар таъминоти бирлашмалари, кишлоқ ҳўжалик техника таъминоти корхонаси, темирйўл ва автоулов бекатлари, алоқа бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Дўстлик тиббиёт коллежи, туман агроиқтисодий касб-ҳунар коллежи, Мусика мактаби, Спорт мактаби, замонавий услубда қурилган «Фарход» кинотеатри, жами 8 та маданият саройлари, 1 та марказий, 1 та маърифий болалар кутубхоналари ва унинг жойлардаги шахобчалари, кўп қаватли марказий шифхона мажмуаси, 2 та поликлиника, 7 та кишлоқ даволаш пунктлари, 10 та дорихона, 60 дан ортиқ ошхона ва чойхона, 70 дан зиёд дўқон, 1 та дехқон бозори ва 7 та бозор мавжуд.

Туман ҳокими Сайфиддин ИСМОИЛОВ билан сўхбатимиз айнан юқорида зикр қилинган факт ва рақамлар таҳлилига бағишланди.

ҲАР БИР КИШИГА - МУНОСИБ ҲАЁТ

Шу кунгача нимагаки эришилган бўлса, бу энг аввало захмат-кўлаш ва фидойи халқимизнинг қўли-қўлга бериб, қўриқ, машаққатларини мардондор енга олганиликлари эвазига қўлга киритилганидир, - деди туман ҳокими. - Эртангида таъриф қилинган - кўп ўсча қавати, одам курси оёғи қўйданга тақир ерда бугун боғу бўстонлар, мухташам қошоналар, кўпбал маданий-маиший ишчинолар қад ростлаб турибди.

Албатта, булар ўз-ўзидан юзага келмаган - замонида қўшиниқ аямал-жизу ёнинг чилласига басма-бас келиб, амалга оширилган бунёдкор ойна меҳнат ётибди. Жорий йилда мавжуд 32 минг гектар сўғирлади-ган экан майдонининг тенг ярмига пахта, 13,5 минг гектарига галла экилди. Ҳозир режадаги 44 минг 800 тонна пахтанинг сўнги миқдорлари тегиб олиноқда. Дон шартнома режаси эса ошириб баҳарилди: гектар бошига 48 центнерга етказилди, жами 65 минг 510 тонна дон ишлаб чиқарилиди, шунинг 35 минг 472 тоннасини давлатга топширилди.

Бу ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Мавжуд ер майдонлари тўлағича фермер ҳўжалиқлари тақсимлаб берилгани учун шундай натижага эришилди, деб ўйлайман. Галдай ҳоким Шодиев, Эсонбой Ияминов, Қўрол Худойбердиев, Солиқон Абдиев, Омон Абдуллаев, Уткир Қоробоев, Юлда Холматова, Муртоз Бўтаев каби ишбилармон фермерлар галла ва пахта етиштиришда барчага ибрат бўлаётлар.

Меҳнатнинг тағи роҳат, дейди халқимиз. Хосилдорлик қанча юқори, хирмон қанча сарбаланд бўлса, даромад ҳам кўзни қувонтирадиган даражада бўлади. Бошқача айтганда, юрт фаровонлиги, дастурхон тўқилиши бевосита даромадга боғлиқ, шундай эмасми?

Шўбхасиз. Хисоб-китобларга қараганда, галланинг ўзидан 4 миллиард 407 миллион сўм янги даромад қилинди. Соф фойда 1 миллиард 48 миллион сўмни ташкил этди ёки рентабеллик 31,2 фоизга етказилди. Пахтадан эса 8 миллиард 200 миллион сўм янги даромад олиш чаланмоқда. Соф фойда 1 миллиард 300 миллион сўмни ташкил этди ёки рентабеллик 19,5 фоиз бўлиши кўлиммоқда.

Бежизга энди бўлса - кўнгли тинч, деб айтишмайди. Бир мисол келтирайми, хусусанки ўзингиз чикариб олган. 800 тонна дон кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, бир сўла билан айтганда, ижтимоий химояга муҳтож кишиларга берилди. Пахта ҳосилини

ийиб-тегиб олганимиздан сўнг ҳам мурувват кўрсатишни мўлжаллаб турибмиз.

Энг яхши ижтимоий химоя, бу одамларни иш билан таъминлаш, янги-янги саноат корхоналари қуриш, меҳнатга яраша рағбатдир. Бу борада туманда қандай ишлар амалга оширилаётир?

Саноат шохобаси таркибида бугун Дўстлик пахта заводи, «Дўстлик-дон» ҳиссдорлик жамияти, кишлоқ ҳўжалик техника таъминоти бирлашмаси, ёғ-мой ва сувни ишлаб чиқарувчи «Эл-Эрк-Нур» корхонаси, туманларо босмахона, шунингдек, «Истиқлол 2» ва «Ҳўжалик» вино ва мева шартбати тайёрлаш ҳамда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юртиммоқда. Мавжуд саноат корхоналари ҳиссдорлик жамиятларга айлантирилгандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш турлари кўпайиб, ҳажми ортиб бораётганилиги, сифати эса яхшиланаётганилиги кузатишмоқда. Кичик саноатни қўриқиб олиб қўриқиб бичириш ўрнида турибди. Урадгорлик, гилам тўқиш, зардўзлик, ёқч йўмқорлик, наққошчилик, сандиксозлик, кулопчилик сингади хўнармандчилик турлари ривожланиб келишга кўйилган.

Микдор охири-охирида сифатга мувофиқлашади. Яъни, одамлар талаб-эҳтиёжини вақтида илғаб олган ҳоллардагина ишлаб чиқарилаётган маҳсулот харидорнинг бўлиши мумкин. Шунга қўра, хориқ технологиясини олиб келишга катта эътибор қаратишмоқда. Хўсузан, «Эл-Эрк-Нур» корхонаси Франсиядан харид қилинган замонавий технология билан жиҳозланган, сифат кескин яхшиланган, айни пайтда 10-12 тонна мой ишлаб чиқаришмоқда. «Дўстлик» пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссдорлик жамияти эса Чехиянинг «Элтекс» фирмаси билан шартнома тузиб, тиббиёт пахта ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиш тадбирини кўраётир.

Истиқлол шароити билан аҳолини тоза ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлаш биринчи навбатдаги вазифалардан бирига айланди. Кишлоқ жойларда, айниқса, бу аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда тумандаги мавжуд жондорлар 93 фоз газлаштирилган ва деярли тўлқ тоза ичимлик суви билан таъминланган. Лекин бу бизни хотиржам қила олмайди. Сабаби, вақт ўтган сайин мавжуд сув тармоқларининг маълум қисми яроқсиз ҳолга келиб қолаётир. Уларни зудлик билан янгилаш лозим. Шунинг учун ҳам мажсу «Тоза ичимлик суви» дастури ишлаб чиқилган. Унга қўра «Санзор» сув омборидан

олият кўрсатмоқда. Маданият уйлари, кинотеатрлар, кутубхоналари иши жонланяриляпти. «Дўстлик чамани» бадийи дастаси вилоят ва республика кўрик-танловларида фахрли ўринлари эгаллаб келимоқда. Ҳар ҳафтада маҳалла гузарларида, стадионларда «Шанба оқшони» деб номланган кўнгилоқлар тадбир ўтказиш одат тўзига қўриб бормоқда. Бу ишларни амалга оширишда мавжуд 8 та кишлоқ ва Дўстлик шаҳридаги 4 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўз ўрни бор.

Биз учун энг муҳими, одамларнинг қайфияти, улар қандай яшашяпти, нима билан машғул, бизга айтганда қандай гаплари бор - булардан ҳаммадан аввал маҳалла хабар топади. Ночор одам ҳам, қандай савобли ишга қўл уришни дилга тўқан тадбиркор ҳам биринчи навбатда фуқаролар йиғини эшитиш ниқожи. Бугун айни кўндан тушган тақдирларга биноян ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари амалга ошириляётганининг ўзбек кўп нарсани аналгатади. Хўсузан, кам таъминланган оилаларни қўриқиб-қувватлаш мақсадида 135 нафар ота-она учун мақтабга таълим муассасаларига аъзолик бадали тўлаш ҳимийлар томонидан амалга оширилмоқда. Уруш қатнашчилари, ногиронлар ва етим болаларни туман ҳўжалиқлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркор ва фермерлар томонидан ҳимийликка олинган. 148 та кам таъминланган оилалар, камхарж, боқувчисини йўқотган қариялар, ногиронлар коммунал тўловлардан озод этилган. Қўп болали оилаларнинг ортиқча ташвиши ва харажатлардан ҳолис қилиш мақсадида ижтимоий таъминот мутахассислари томонидан уларни ҳафтани белгиланган кунларида олдандан тасдиқланган жадал бўйича кишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳалла идораларида қабул қилиш ташкил қилинган.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг асрий оруз-истақлари рўёбга чиқиб, мустақиллик аришганимиздан бунён ўтган қисқа муддатда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда янги давр бошлади. Мулжа эгалчининг турли шакллари қарор топмапти. Ислохотлар босқинча-босқинча амалга ошириляётганини тўғайли одамлар бозор иқтисодиёти талабларига аста-секин мослашиб бораётир. Хоржий сармомдорлар билан ўзаро манфаатли ҳўжорлик ўфқлари кенгайиб, илк меваларини бера бошлади. Муҳими, инсонлар ислохотлар учун эмас, ислохотлар инсон учун хизмат қилиши исботини топмоқда.

Сўхбатдош: Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» муҳбири

Дўстлик тумани:

ҲОКИМЛИК ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

ТЕРИМЧИ ҲАҚИ

даланинг ўзида тарқатилляпти



Албатта, бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ташкилий ишлар маромида амалга оширилганлиги айти мудоао бўлди.

Худуддаги мавжуд 965 та фермер ҳўжалиқлари, 8 та кишлоқ, 4 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирокида йиғим-терим олдидан йиғилишлар ўтказилиб, мавсумни зўр ушоққлик билан ўтказишга келишиб олинди. Ҳокимлик ва касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида қўшма тадбир ишлаб чиқилди. Шу асосда мавжуд 232 та дала шийпонлари таъмирланиб, жиҳозланди. Дехқонлар ва ҳашарчиларнинг дам олишлари учун етарли шарт-шароит яратиш берилди. Бу ишга ҳомий ташкилотлар бириктирилди. Қурилиш ташкилотлари жалб қилинди. Бир сўз билан айтганда, дала шийпонлари меҳнатқашларнинг ҳақиқий дам олиш масканларига айлантирилди.

Мавсумки, шу йил 26 август кунини Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишини таш-

килий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганда. Шунга қўра этак, қўл тарозиси, транспорт воситалари, қабул қилиш пунктлари, хирмон жойлари мавсумга шай ҳолга келтирилди. 9111 киши қалб амри билан далага отланди. 15 минг нафардан зиёд ҳашарчи ёрдамга келди. Туман далаларида бугун меҳнат қўшиғи янграмоқда. Йиллик пахта тайёрлаш шартнома режаларини урдаланган фермер ҳўжалиқлари сафи кенгайиб бормок-

да. «Ҳабибулло», «Барака», «Олтин водий», «Робия она», «Эшнйвз бобо», «Неъмат-Меҳнат-Роҳат», «Рўзбой ота», «Элчи ота», «Бону-Нихол», «Янги аср» каби фермер ҳўжалиқларида пахта тайёрлаш шартнома режаси 130-155 фозга етказилди. Режани амалга олаётган ўринлатиб қўйган фермер ҳўжалиқлари сони уч юзтадан ортиди. Бундай муваффақиятга эришишда, шўбхасиз, касаба уюшма кўмиталарининг ҳам салмоқли улуши бор. Касабақум раислари

гуруҳ раҳбарлари сифатида ташкилотчилик ишларини олиб боришмоқда. Дала меҳнатқашлари ва ҳашарчиларнинг терган пахталарига ҳар беш кунда пулларини тарқатиш, илғорларни ҳар беш кунлик якуни билан ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб боришда бош-қош бўлишяптир. Бугунгача 842 миллион сўм нақд пул тарқатилди. Юзлаб фермер ҳўжалиқларида ҳосил тўйларни ўтказилляпти. Фолиблар гилам, телевизор, соат ва пул мукофотлари билан тақдирланяпти.

Дала бошида Бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Маданий, савдо, тиббий хизмат бевосита даланинг ўзида кўрсатилляпти. Улуғбек Жўраев, Бурхон Холмуродов, Исламжон Абдуллаев, Нодир Суяроров сингари касаба уюшма кўмита раислари пахта йиғим-теримини ташкиллаштиришда фаол бўлишмоқда.

Анвар ОМОНОВ, Агросаноат мажмуи ҳодимлари туман касаба уюшма кўмитаси раиси

УНИТИЛМАС ТҮЙ

корхона ҳисобидан

Корхонамиз тумандаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Вилоятдаги Дўстлик, Мирзачўл, Арнашар туманлари ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган фермер ҳўжалиқлари билан контрактация шартномалари тузилган. 103 минг 248 тонна галла қабул қилинди. Жойи йилнинг ўтган ўй ойи байинда 2 миллиондан 12 миллион 794 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. 6 минг 701 тонна омухта ем, 9 минг 714 тонна ун, 3 минг 76 тонна кепак, 2 минг 858 тонна урулук бўғдой, 140 тонна арпа ёрмаси тайёрланди. Шунингдек, 165 тонна нон, 22 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, эл дастурхонига етказиб берилди.

Айни пайтда корхонамизда 468 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг урточа ойлик маошлари 28 минг 948 сўмни ташкил эталяпти. Ишчилар учун етарли шарт-шароит яратилган. Бир маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Ишчи кийимлари бериб келинмоқда.

Ибрат

Корхонамиз ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, бир талай савоб ишларга бош қўшмоқда. Ҳар йили ўнлаб етим болаларнинг суннат тўйларини ўтказиб бераляпти. Хотира ва Қадрлаш кунини тумандаги 16 нафар боланинг ана шундай тўйлари корхона ҳовлисида ўтказилди. 200 кишилик дастурхон эъзилиб, ош берилиди. Тўйболаларнинг ҳар бирига омонат дафтраси очилиб, 10 минг сўмдан пул қўйилди. Шунингдек, тумандаги 6 та кам таъминланган оилани ҳимийликка олганмиз. Байрамларда уларни йўқлаб, ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериб келаямиз. 2 нафар ёлғиз кексаларнинг ховли-жойларини таъмирлаб бердик.

Корхона қошида макарон, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилган. Ана шу маҳсулотлардан кам таъминланган оила, ногирон, ёлғиз кексалар ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Уктам НОМОЗБОВ, «Дўстликдон» ҳиссдорлик жамияти бош иқтисодчиси

Дил сўзи

халқидан бир умр миннатдорман. Беш нафар фарзандим бор. Ҳаммалари уй-жойли, 14 нафар невараларим қурушвида бахтли ҳаёт кечираялмиз. Оиламизни зиёлилар оиласи, дейишяпти. Дилом, Шоира, Гулбаҳор, Мохидил каби қиз ва келинларим олий маълумотли педагоглар. Келиним Богихидил уйда хонадон боқчиси ташкил этган. «Янги ҳаёт» маҳалласи оилаларининг 40 нафар фарзанди шу ерда тарбияланяпти.

Ўзбекистон - Ватаним маним. Ватан тарихини билиш, халқларнинг урф-одатларини, қадриятларини қадрлаш, ҳурмат қилишнинг уртининг инсонийлик бурчим деб биламан. Мустақил юртимни ўз Ватаним деб ҳис этаман. Негатки, озод ва обод Ватанга эмин-эркин яшаш ва ишлаб келаялман. Фарзандларим киндик қони шу муқаддас тупроқда тўқилган.

Людмила ЧЕФРАНОВА, мактабгача таълим муассасаси услубчиси

«Бандлик дастури» — амалда

ИШСИЗЛИК МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Туман ҳудудида 51 минг 100 нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Илимий тил билан айтганда, бир квадрат километрга 104 киши тўғри келади. Аҳолининг 30 фоизга яқини шаҳарда, 70 фоиздан кўпроғи эса қишлоқларда яшашяпти. 56 фоиздан зиёди 25 ёшгача бўлганлар.

Кўриниб турибдики, туманимиз меҳнат ресурсларига бой ва бу ресурс йилдан йилга ўсиб бораляпти. Масалан, 1971 йилда туманда бол-йўғи 7 минг нафар ишчи-хизматчи бўлгани ҳолда бу йил улар сони қарийб 15 минг 400 нафарга етди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, «Бандлик дастури»ни амалга ошириш, оналик ва болаликни, кексалар ва ногиронларни, кам таъминланганларни ижтимоий муҳофаза этиш, соғлом авлод учун алоҳида гамхўрлик биринчи навбатда туманда аҳоли сонининг ўсишини, қолаверса, урточа умр даражасининг ошишини таъминлашмоқда. Жами аҳолининг 25 минг 300 нафардан кўпроғи ёки 46 фоизи меҳнат лаёқатли кишилардир. Шундан 91 фоизи халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ижтимоий-фойдали иш билан машғул.

Аҳолини иш билан таъминлаш дастурга қўра савдо-тижорат, маиший ва коммунал соҳаларда, кишлоқ ҳўжалиғида иш билан таъминлаш яхши йўлга қўйил-



ган. Шунингдек, аҳолини иш билан банд қилиш мақсадида ижтимоий ишлаб чиқариш, қўшма, хусусий ҳамда ўрта ва кичик корхоналар, фермерлар, ҳиссдорлик жамиятларини қўриқиб-қувватлаш, уларга амалий кўмак бериш тадбирлари қўриқилмоқда. Ешларни касб-хўнарга йўналтириш мақсадида туманда 2 та коллеж фаолият кўрсатаяпти. Тиббий, ҳисобчилик, банк иши, фермерлик, чилангарлик йўналишлари бўйича ҳар йили юзлаб ишлар касб-хўнар ўрганишиб, ўз иқтисодликлари бўйича ишга жойлаштирилмоқда.

Хотин-қизларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида уйда иш ба-жарувчи тикувчилар, зардўзлар, сўзаначилар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор бериляптир. Шу мақсадда туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш бўлими томонидан ҳар йили 56 киши тикувчилар, зардўзлар тайёрлаш курсларига ўқишга юборилмоқда. Айни пайтда бу ишлар билан банд бўлган хотин-қизлар сони 80 дан ошиб кетди. 2005 йилга бориб уларнинг сафи уч баравар кўпайиши ва 244 нафарга етказилиши бўйича амалий ҳаракатлар қилинаётир.

Халқимизнинг миллий аниқларини давом эттириш ниятида сандиксозлик, тунукачилик, этиқдўзлик, темирчилик, дурадгорлик устаконалари очилляпти. Ўнлаб тегиримон ва жувозлар ишлаб турибди. Бугунги кунда худди шундай устакона ва кичик цехларнинг 50 таси самаралар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 174 хўнарманд меҳнат қилмоқда. «Бандлик дастури»га қўра ишлаб чиқариш

Савоб ишни ҳар

ким, ҳар кунини қилиши керак

Ўзбекистон Республикаси Президентининг болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноян туманда спорт ишчинолари қуриш, мавжуд спорт ўйингоҳлари ва заллари-

ФЕРМЕРЛАР БОЛАЛАР СПОРТИГА




ни қайта таъмирлашда муайян ишлар амалга оширилди. Ўтган бир йил мобайнида 1 та болалар спорт мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилди. 3 та стадион, 10 та ёлғиз спорт заллари таъмирдан чиқарилиди. Бундай ишларни амалга оширишда туман фермер ҳўжалиқларининг улуши салмоқли бўлмоқда. 12 та фермер ҳўжалиғи болалар спорт мажмуасига салкам 7,5 миллион сўм маблағ ўтказиб беришди.

Юлда ХОЛМАТОВА,

«Юлдуз» фермер ҳўжалиғи раҳбари

Жамоамиз аъзолари 180 гектар ерда дехқончилик қилиб келишмоқда. Ҳар йили галла, пахта тайёрлаш шартнома режаларини урдалаб келаялмиз. Шу боис бизни иқтисодий бақувват ҳўжалиқлар сираси сифатида тилга олишяпти. Буни биргина ўтган йил натижаларидан ҳам билса бўлади. 70 гектар галлазордан 220 тонна сара дон, 80 гектар пахта майдонидан 276 тонна оқ-олтин» етиштиришга муваффақ бўлди. Натижада 21 миллион сўм соф фойда олдик. Бу йилги натижалар ҳам чакки эмас. Ҳар бир ишчининг ўрточа ойлик маоши 30 минг сўмни ташкил этмоқда. Ойликча қўшмача галла, пахта ёғи бепул тарқатилди.

Болалар жону дилим. Менинг ҳам бири бирдан ширин фарзанд ва невараларим бор. Президентимизнинг ташаббусларидан руҳланиб, болалар спорт мажмуасига бир миллион сўм ўтказиб бердим. Мен каби ўнлаб фермерлар ҳам бундай савобли ишга бош қўйишди. Оқибатда қишлоғимиз кўрғонда болалар спорт мажмуаси ҳамда спорт саройи бунёд этилди. Эндиликда фарзандларимизга спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланишлари учун имконият яратилди.



Бахтиёр МУХТОРОВ, туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи

(Боши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Конституцияга жамоат бирлашмаларига ўз номларида белгиланган вази-фалари муваффақиятли бажариш имконини кафолатлайди, бу кафолат фуқароларнинг уюшшига бўлган ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун доимий ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари роя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат эса фақат қатъий белгилаб қўйилган масалаларни, яъни ташкил этиш тартиби, меҳнат қилиш шартини, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлари кабиларни тартибга солади.

Шуларга кўра, жамоат ташкилотлари шаклланишининг ички таркиби ва фаолияти масалаларида мустақилдирлар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига биноан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт. Фуқароларнинг мурожаат этиши ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Ҳеч ким бирон бир мурожаатни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади. Фуқароларнинг ариза, тақлиф ва шикоятлари ёзма шаклда юборилиши, шунингдек, халқ вакиллари ва мансабдор шахсларнинг қабул вақтида озғани тушунтирилиши мумкин. Шуни ҳам алоҳида таъ-

кидлаш лозимки мансабдор шахслар ва халқ вакиллари ариза, тақлиф ва шикоятларни кўриб чиқишда уларнинг моҳиятига диққат билан эътибор беришлари, зарур ҳолларда керакли ҳужжатларни талаб қилишлари, ходимларни жойларга текшириш учун юборишлари ва масалани ҳолисона ҳал қилиш учун бошқа чораларни ҳам қўллашлари лозим. Шунингдек, улар фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқишлари, уларга асосли жавоб беришлари ва аниқланган барча камчиликларни бартараф этиш учун зарур чораларни қўллашлари керак.

БОШ ҚОМУС

Матбуот, радио, телевидение орқали ҳам мурожаат этилиши мумкин. Газета, журнал, радио ва телевидение редакцияларидан юборилган мурожаатлар бирдек кўриб чиқиши лозим.

Фуқаро унинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асосида равишда рад этилганлиги устидан бўйсинув тартибда юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилишга ҳақлидир. Мурожаатларни кўриб чиқишда ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт. Фуқароларнинг мурожаат этиши ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Ҳеч ким бирон бир мурожаатни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

шарт. Маълумки, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш Асосий Қонунимизнинг бош тамойили ҳисобланади. Бу улкан мақсадга эришиш учун аввало фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдек долзарб масалаларни ҳал қилиш лозим. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX-сессиясида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинди. Унда фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатла-

рида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва ижтимоий фаолигини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини таъминлаш тартиби, давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг маънавиятини юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш каби масалалар алоҳида таъкидланган.

Шунга кўра фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишларини, аввало, боғча, мактаб ва оиладан бошламоғимиз лозим. Бу ҳолат халқимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлиги ақинда 11 йил тўлади. Конституцияимизнинг демократик ҳуқуқий жамият қонунчилигига қўйилган барча талабларга тўла жавоб бериши, халқчиллиги жаҳоннинг жуда кўп қонуншунослари ва сиёсий арбоблари томонидан эътироф этилди.

Абдулла АЛИМУХАМЕДОВ, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг юридик бўлими мудири

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Қорасув» ширкат-ҳўжалиги дала меҳнаткашлири йил мобайнида қилган меҳнатлари салмоқли бўлганлиги учун ҳам юзлари ёруғ бўлди. Улар йилгим-теримини ушоққоқ билан юлиб бориб, шартнома режасини бажаришга муваффақ бўлдилар.

– Ҳосилга заминни кузги шудгордан бошладик, – дейди ҳўжалик бошқарувининг раиси Тожимаев Худойкулов теримчиларнинг гайратига разм солар экан, – экишда сифатига аҳамият бердик. Суғориш ва ишлов беришни илгор тажрибали деҳқонлар маслаҳати асосида олиб бордик. Шунинг билан бирга тежамкорлик мўймай даромад омили эканлиги ҳам ёдимизда бўлди. Энг муҳими, ҳаммасини олиб борган, энг катта бойлигимиз бўлган меҳнаткаш халқимизнинг гайрат-шиқвати натижаси бу.

Пудрат усулининг афзалликлари 878 гектар майдонда етиштирилган ҳрсилда намоён бўляпти. Даладан териб олинган 2минг 372 тонна пахталарнинг деярли ҳаммасини биринчи навга қабул қилишди. Бундан 1906 тоннаси кўлда, қолган 466 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди.

Бугунги пудратчилар ўз ишини пухта биладиган деҳқонлардир. Уларнинг кўлида ўзининг чек дафтари бўлиб, амалга оширилаётган ҳар бир иш, ҳар бир ҳаракат ва даромадларнинг аниқ ҳисоб-китоби дафтарга ёзиб бориляпти.

Ерларнинг самардорлигини ошириш, яъни ҳосилдорликни ошириш доимо деҳқонларнинг диққат эътиборида бўлди. Ҳўжалик маррага етган кунда ҳосилдорликни Олим

шаббуси билан уч тоннадан ортиқ пахта терган пудратчига юз килограмдан шולי мукофот тариқасида берилмоқда. Бундан меҳнаткашлар кўпроқ маънавий рағбат топаётдилар.

Уч тоннадан ортиқ пахта териб топширган Баҳодир Худойкулов, Алишер Душаев, Райхон Тўқубоевалар ҳам бир тоннадан терган пахталари учун ҳар беш кунда мўймай пул олиб турибмиз. Мавсум бошидан буён юз минг сўмдан ортиқ пул олди. Ҳар кун териб топширган пахталаримизга 4-5 минг сўмдан пул тўғри келяпти. Бу йилги

мавсум охиригача яна камида 50 минг сўм даромад қилишни қўлаб ишлаймиз. Бу янгидан тиклаб қўйган иморатимизнинг пардозлаш ишларига сарф этилади.

Бу йилги яна бир янгилик – ҳўжалик қасаба уюшма ташкилотининг тар-

Олтин куз қувончлари

ромад эгаси бўлишларидан далолат бериб турибди. Териб олинган 2 минг 371 тоннадан ортиқ пахта учун ҳўжалик шу кунгача 496 миллион 128 минг сўм даромад қилди. Бу рақамлар йил якунида яхши дивидент тўлашиши ҳақида баъшарат қилиш имконини беради. Ҳозирги кундаги ҳисобларга қараганда териб олинган бир гектар майдондаги пахта учун машина теримига 65 минг 450 сўм, қўл теримига 86 минг 240 сўм сарфланмоқда. Ана шу гектардан териб олинган 28 центнерлик пахтанинг бир тоннасига давлат томонидан 200 минг сўмдан пул тўланапти.

Ҳўжалик даладарини айлансангиз, пахтакорларнинг ганимат даладан унумли фойдаланиб қолиш ҳаракатида бўлаётганлигини кўрасиз. Одамларда бугун меҳнатга муносабат, ерга муносабат мутлақо ўзгарганлиги, деҳқон ерининг эгаси, ер унинг бойлиги эканлиги кўзга ташланиб туради. Энг муҳими – одамлар меҳнатидан, унинг натижаларидан шод эканлиги ҳар бир деҳқоннинг юзидagi табассумида акс этиб турибди.

Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» муҳбири

ДЕҲҚОН ЧЕҲРАСИДА ТАБАССУМ

Нёъматуллаев 36 центнерга етказган бўлса, Қозоқбой Абдуназаровнинг хирмони 35 центнерданга тўғри келди.

– Бу йил биз оиламиз билан теримга киришдик, – дейди пудратчи Лазоқат Фоййова. – Биринчидан, 3 гектар майдонда ўзимиз етиштирган ҳрсилни тезроқ йиғиб-териб олишга ҳаракат қилган бўлсак, иккинчидан терган пахталаримиз учун ҳар беш кунда мўймай пул олиб турибмиз. Мавсум бошидан буён юз минг сўмдан ортиқ пул олди. Ҳар кун териб топширган пахталаримизга 4-5 минг сўмдан пул тўғри келяпти. Бу йилги

Рағбат

ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Когон «Олтин тола» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва қасаба уюшма кўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасига томонларнинг тўла риоя қилиши ишловчилар ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилашга ҳисса қўлиши билан бирга ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ҳам муҳим омил бўлаётди. Буни қорхона бригадалари ўртасида ўтказилаётган меҳнат беллашуви якунларидан ҳам билиш мумкин. Яқинда иш кунини давомидида 32 тонна тола, 3,2 тонна лент олишга эришган бригада аъзоларига 150 минг сўм, 30 тонна тола 3 тонна лент олган бригада аъзоларига эса 100 минг сўм пул мукофотлари берилди.

Корхона ишчиларини ижтимоий ҳимоялаш қасаба уюшмаси эътиборида турибди. Жумладан, ишловчиларни иссиқ оғвақ билан таъминлашга қорхона ҳисобидан 25 миллион сўм сарфланди. Зарарли ишда ишловчиларнинг ҳар бирига кунига 80 сўмлик сутқатик берилаётди. Моддий рағбатлантиришга 3,5 миллион сўм ажратилди. Қорхонада белгиланган режа-топшириқларнинг муваффақиятли бажарилаётгани ишчилар моддий манфаатдорлигининг ошишига олиб келаётди. Ҳозир ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 55 минг сўмга етди.

«Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик», деганлари шу бўлса керак.

С. ЯРАШЕВ



Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги ички ишлар бўлими паспорт бўлини масида фуқароларга вақтида ҳужжат бериш, ҳамда паспортнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамиятини халққа етказиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган 9 ой мобайнида 5258 нафар фуқарога паспорт топширилган бўлса, шулардан 2726 нафари 16 ёшга тўлган ўғил-қизлардир. Ўз вазифасига масъулият билан ёндошувчи бўлима бошлиғи, милиция капитани Ўктамбой Бобононов аҳоли орасида тарғибот ва тушунтириш ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор беради.

Б.ЭРНАФАСОВ олган сурат



Саволингизга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма Марказий Кўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: таълим тизимидаги кутубхоначилар, пенсиядаги кутубхоначилар педагогларга белгиланган имтиёздан фойдаланишлари мумкинми?
И. Ҳомиджонова, Т.Толипова, Поп шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ўй-жаъ коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига қўйилган компенсация пул тўловлари шунинг жорий этиш тўғрисида» Фармонига биноан қўйилганларга энг кам иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари 2003 йил 1 апрелдан тўлана бошланди.

– барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагогик маълумотига эга ўқитувчилар, директорлар, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директорлар, тарбиячилар, концертмейстрларга, «Меҳрибонлик уйи» тарбиячилари, директорлари, ўқув, маънавий-маърифий ишлар бўйича директорларини, психологларга;

– педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув, маънавий-маърифий ишлар бўйича директорларини, психологларга;

– педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув, маънавий-маърифий ишлар бўйича директорларини, психологларга;

– педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув, маънавий-маърифий ишлар бўйича директорларини, психологларга;



Харакат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида йўл ҳаракат хавфсизлик хизмати Ички ишлар идоралари тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада Самарқанд вилояти ИИБ ЙХХБ жамоасининг фаолияти

ибратлидир. Бир сўз билан айтганда, вилоят ЙХХБ бошқармаси шахсий таркиби ички ишлар идораларида ислохотларни изчил амалга ошириб, давлат ва жамоат мулкани сақлаш, турли кўринишдаги жиноятларнинг олдини олиш, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида астойдил хизмат қилмоқда.

Суратларда: милиция кичик сержанти Учқун Гаффаров; милиция сержанти Отабек Мамасолиев «Белка» лақабли хизмат ити билан автоулов юкхонасини текшираётган пайт.

А.ХУДОЁРОВ олган суратлар

СОЛИҚ ВА МАТБУОТ амалий семинар бош мавзуси

Давлат солиқ кўмитасида ўтказилган амалий семинар солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва солиқ идоралари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишни ташкил этиш масалаларига бағишланди. Унда республиканинг етакчи журналистлари билан бирга вилоятлар давлат солиқ бошқармалари матбуот хизмати ходимлари ҳамда солиқ хизмати ҳаётини ёритувчи телеоператорлар иштирок этдилар.

Семинарни Давлат солиқ кўмитаси раиси Ж.Сайфидинов очди. Сўнг анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Матбуот хизмати бош консультанти Шерзодхон Қудратхўжаевнинг «Омма билан алоқанда вазирилик ва идоралар матбуот хизматларининг роли» мавзусидаги маърузасини тингладилар.

Бугунги кунда барча вилоят давлат солиқ бошқармаларида матбуот хизматлари фаолият кўрсатиб келяпти. Бундан ташқари, ўйикта бошқарма ҳузуринда солиқ тизими ҳаётини ёри-

тишга ихтисослашган кўп нусхали газеталар чоп этиляпти. Вилоятлар телевидениеси ва радиосида солиқ ҳаётини ёритувчи махсус бўлимлар очилган. Улар кучи билан ҳар кун мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланмоқда. Семинарда солиқ мавзусида матбуотда эълон қилинаётган материаллар ва эфирга узатилаётган телесюжетлар таҳлил этилди, тегишли тавсиялар берилди.

Машгулотлар давомидида жойлардан тайёрлаб келинган қисқа ва мазмунли телесюжетлар ва телероликлар кўрик-танлови ўтказилди. Бу бағдда соврин Қашқадарё ва Хоразм вилоятларига насиб этди. Воқеаларни тезкорлик билан ёритиш бўйича ўтказилган қаламашлар мусобақасида эса Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Дилором Ҳалимова галиб деб топилди.

Ж.НОСИРОВ, Давлат солиқ Матбуот хизмати бош мутахассиси

КўЗБЎЯМАЧИЛИК ЎТМАДИ

23 миллион сўм иш ҳақи банкнинг айби билан нақд пулга айлантирилмаганди. Мутасаддилар ўз айбларини яшириш мақсадида юқоридagi иш ҳақини қорхона хазинасига номига омонатга қўйилган пул сифатида расмийлаштирилган эдилар. Мониторинг пайтида мазкур кўзбўямачиликлар фож этилди ҳамда банк бошқарувининг ҳисоботи тармоқ қасабақўми раёсати йиғилишида эшитилди.

Тармоқ кўмитаси янада принципал йўл тутди. Иш ҳақи тўловларидаги узиллишлар тўғрисида вилоят «Пахтаасаноат» раҳбариятига оғохлантириш хати юборилди. Излаган имкон топди, дейдилар. Тармоқ кўмитаси талабчанлиги билан банк маъмуриятининг ҳар ҳафтада нақд пул тушуми ҳақида кўмитага ахборот бериб туриш тартиби жорий этилди. Ўз навбатида пахта

тоталаш қорхонаси маъмурияти ҳам ҳар ойнинг охирида ойлик маошларнинг тўлови тўғрисида тармоқ ва қорхона қасабақўмининг хабардор қилиб турдилар.

Бугина эмас, қорхонадаги тўланмаётган тавон пуллари тармоқ ва қорхона қасабақўмининг ҳамкорлигида сазъ-ҳаракати билан очини топти. Чун-

ки ижтимоий ҳимояга доир ҳар бир мурожаат тармоқ қасабақўмининг доимий эътиборида турибди. Негаки, хат-хабарлар инсонларнинг дилрози бўлиб, улар ортида фуқароларнинг қасаба уюшмасига ишончи ётади. Меҳнаткашлар ташкилотини орқа қилиб, бу дароғдан наҳот кул-тадилар. Ишчилардан Шаробиддин Камоллов ногиронлиги туфайли пахта тоталаш қорхонасидан тавон пулини ундиролмаётганлиги. Ишончада жамоа шартномаси ижросини ўрганиш асносида, яъни 11 нафар қасаба уюшма аъзосига тавон пули тўланмаётганлиги ойдинлашди. Тармоқ қасабақўми аралашуви эъ самарасини берди. Вилоят тиббиёт меҳнат экспертизаси мутахассислари ёрдамида келди-лар. Натижада 730 минг сўм тавон пули эгаларига ундириб берилди. Маздаоларига эришган

Бозор талаби қатъий

арзғўйлар чеҳраларидаги шодлиқни кўрсангиз эди. Тармоқ қасабақўми меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга масъулият билан ёндошмоқда. Сабаб, ҳокимият

иҳроси талабчанлик билан таҳлил қилинмоқда. Эътиборлики, ижро интизомини битимда белгилангандек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари – адлия, суд, прокуратура органлари вакиллари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. «Шарқ юлдузи» ширкат ҳўжалигида жамоа шартномаси шартларининг ижроси назоратдан ўтказилганда 2 йилгача болалар нафақаси тўловларида кечикишлар бўлаётганлиги прокуратура томонидан аниқланди. Оқибатда, ижро интизомини таъминламагани учун қасабақўми раиси Жамолдин Шамсуддинов тармоқ кўмитаси раёсат йиғилишида оғохлантирилди ва болалар нафақасидаги тўловлардаги қарздорлик тугатилди.

«Мустақилликнинг 7 йиллиги» ширкат ҳўжалигида иш ҳақи тўловлари тафтиш қилинганда маъмурият ойлик маошларни натура билан тўлашда қонунга хилоф иш тутавтганлиги маълум бўлди. Прокуратура, тармоқ қасабақўмининг ёрдами билан иш ҳақидаги тўловлар адолатли ҳал қилинди. Муроасасозлик қилган қасабақўми ҳамда маъмурият етакчилари маъмурий жазога тортилди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

